

ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН БЎЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ САБАБЛАРИ, МАНЗИЛЛИ НАЗОРАТ ВА КУНЛИК СЎРОВ ТАРТИБИ

Бабаджанов Бахтиёр Бекович
Сурхондарё вилояти прокурори

Адлия катта маслаҳатчиси

E-mail: pulatovmirzohid7@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20062066>

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллаларда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган манзилли назорат тадбирлари ва кунлик сўров механизмларининг мазмуни, аҳамияти ва амалий тартиби ёритиб берилган. Муаллиф томонидан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларнинг жиноятчиликка таъсири очиб берилган ҳолда, профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган. Мақолада прокуратура ва ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлиги, масъул идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда маҳалла хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, профилактика, объектив сабаблар, субъектив сабаблар, манзилли назорат, кунлик сўров, маҳалла, ҳуқуқбузарлик, ижтимоий омиллар, хавфсизлик, прокуратура, ички ишлар органлари, жамоатчилик назорати.

Жиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш вазифаси қанчалик муҳим бўлса, уларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни бартараф этиш, юртимизда **хавфсиз муҳитни** яратиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Шу сабабли, 2025 йилнинг 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги томонидан **қўшма қарор** қабул қилиниб, қарор билан Республика маҳаллаларида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш, кечиктириб бўлмайдиган манзилли назорат тадбирларини ташкил этиш тартибини назарда тутувчи **Йўриқнома** ишлаб чиқилди.

Мазкур Йўриқнома республика маҳаллаларида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг **объектив** ва **субъектив** сабабларини аниқлаш ва уларга қарши курашишни самарали ташкил этиш, кечиктириб бўлмайдиган манзилли назорат тадбирларини ўтказиш, жиноятларнинг олдини олиш фаолияти натижадорлиги ҳамда бу борада **кунлик сўров** ва **назорат механизмларини** амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Маҳаллаларда олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар- "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида" ги Низомнинг **8-иловаси** билан тасдиқланган маҳалладаги **тартиб-интизом, профилактика** ва **жамоатчилик назорати** орқали олдини олиш мумкин бўлган жиноятлардир.

Мазкур Йўриқнома билан ҳар бир жиноятнинг содир этилишининг сабаблари иккига ажратилди.

Биринчиси - объектив сабаб;

Иккинчиси - субъектив сабаб.

Маҳалла ҳудудида жиноят содир этилишининг **объектив** сабабига бир қатор иқтисодий, оилавий ва ижтимоий муаммолар, шахснинг маънавий ҳолатидан келиб чиқадиган омил ва шарт-шароитлар туртки бўлади.

Хусусан, ушбу омил ва шарт-шароитларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Иқтисодий омиллар:

Ишсизлик ва доимий даромад манбаининг йўқлиги ва иқтисодий қийинчиликлар ва камбағаллик

Оилавий ва ижтимоий муҳитдаги муаммолар:

Оилалардаги ички келишмовчиликлар ва низолар, аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши ва маънавий муҳитнинг заифлиги

Зарарли одатлар ва салбий ижтимоий ҳолатлар:

Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик, психотроп моддалар истеъмоли учун шарт-шароитлар, илгари судланган, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва қиморбозликка мойил шахслар.

Инфратузилмавий ва хавфсизлик омиллари:

Маҳаллаларда видеокузатув ва ёритиш воситаларининг етарли эмаслиги, қўриқланмайдиган ва қаровсиз хўжалик объектлари.

Ушбу ҳолатлар жамиятда жиноятларнинг келиб чиқишига замин яратадиган **асосий** омиллар ҳисобланади.

Ишсизлик, камбағаллик ва **доимий даромад** манбаининг йўқлиги айрим шахсларни қонунбузарлик йўлига кириб қолишига сабаб бўлади.

Оилавий низолар, маънавий муҳитнинг заифлиги ҳамда ёшлар тарбиясига етарлича эътибор қаратилмаслиги **ижтимоий назоратнинг** сусайишига олиб келади.

Шунингдек, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларига мойиллик, илгари судланган шахсларнинг жамиятга тўлиқ **мослашмагани** жиноят содир этиш хавфини оширади.

Маҳаллаларда хавфсизлик **инфратузилмасининг** етарли эмаслиги эса жиноятлар учун қулай шароит яратиб беради.

Маҳалла ҳудудида жиноят содир этилишининг **субъектив** сабаби ушбу жиноятни содир этилишининг олдини олишга масъул бўлган шахслар билан манзилли ижтимоий профилактика ишларининг етарли ташкил этилмаганлиги, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан индивидуал ҳисоб ва назорат ишларининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги, маҳалла ва аҳоли гавжум жойларда профилактикага хизмат қилувчи инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги, вояга етмаганлар билан тарбиявий ва назорат ишларининг самарасиз ташкил этилганлиги, масъул идора ва ташкилотлар ўртасида профилактика бўйича вазифаларнинг етарлича **бажарилмаганлиги** ҳисобланади.

Маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишга салбий таъсир этувчи субъектив сабаблардан бири – ижтимоий профилактика тадбирлари доирасида хавф гуруҳига кирувчи шахсларга **ҳуқуқий, ижтимоий, психологик** ва **педагогик** ёрдамлар тизимли равишда кўрсатилмаслигидир.

Хуқуқбузарликка мойил шахсларни **пробация, профилактик ҳисоб** ва **маъмурий назоратга** олиш ҳамда улар билан манзилли профилактик тадбирлар олиб бориш жараёни етарлича ташкил этилмаганлиги қонунбузарлик хавфини оширади.

Маҳалла ва аҳоли гавжум жойларида **инфратузилма** – кўчаларни ёритиш, видеокузатув ва йўлларнинг ҳолати – талаб даражасида таъминланмаганлиги жиноят содир бўлиши учун **қулай** муҳит яратади.

Вояга етмаганларнинг тарбияси ва назоратига масъул ота-оналар ва таълим муассасалари ўз мажбуриятларини бажармай, маънавий ва ахлоқий камолотини таъминламаса, улар хуқуқбузарликка мойил бўлиши мумкин.

Шунингдек, барча **масъул идоралар** томонидан профилактика вазифаларининг мувофиқлаштирилиши ҳамда назоратнинг етарли даражада таъминланмаслиги ушбу хавф омилларини кучайтиради.

Кўшма қарор маҳаллаларда содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш бўйича ички ишлар ва прокуратура органлари раҳбарларига қўшимча вазифа ва масъулият юклади.

Ички ишлар органларининг раҳбарлари жиноятларга қарши курашиш бўйича қуйидаги **кунлик манзилли сўров** тадбирларини амалга оширади:

- содир этилган жиноятларнинг объектив ва субъектив **сабабларини аниқлашга** қаратилган тадбирларни ташкил этади;

- ички ишлар органлари масъул соҳавий бўлинмаларининг жиноятларни олдини олишга қаратилган фаолияти самарадорлигини ўрганиб боради ва **танқидий муҳокама** қилади;

- содир этилган жиноятнинг **бирламчи таҳлили** асосида аниқланган объектив ва субъектив сабабларини иловадаги намунавий шаклда акс эттирган ҳолда жиноят иши қўзгатилгунига қадар ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиш ваколатига эга бўлган **масъул шахсга** ёки **терговчига тақдим этади.**

- **ўн кунлик** муддатда ҳар бир жиноятнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш борасида амалга оширилган **чора-тадбирлар натижалари**, жумладан, жиноятнинг олдини олишга масъул бўлган **шахслар**, уларга нисбатан тайинланган **хизмат текширувлари** ҳамда уларни терговга жалб этиш борасида **амалга оширилган ишлар** ҳақидаги маълумотларни манзилли чора-тадбирлар белгилаш учун **прокуратура органларига** белгиланган тартибда **ёзма** ёки **электрон тарзда юборилишини таъминлайди.**

Худудий прокурорлар кунлик сўровни қуйидаги манзилли назорат тадбирлари орқали амалга оширади;

- содир этилган жиноятларнинг **ҳар кунлик танқидий таҳлили** асосида кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ташкил этади.

- маҳаллада олдини олиш мумкин бўлган ҳар бир жиноят ҳақидаги хабар юзасидан **яққол жиноят** аломатлари мавжуд бўлса, **шу куннинг ўзида дарҳол жиноят иши қўзғатилишини таъминлайди.**

- **экспертиза** ёки бошқа қўшимча **текширувлар талаб** қилинадиган ҳолатлар бўйича тўлақонли текширишлар ўтказилишини ва натижаси бўйича **зудлик** билан **қарор** қабул қилинишини ташкил этади.

- жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳамда шарт-шароитларини **ўн кунгача бўлган муддатда** аниқлашга қаратилган чора - тадбирлар устидан **қатъий назорат** ўрнатади.

- жиноятларнинг олдини олишга масъул бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ижтимоий профилактика тизимининг субъектлари томонидан амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган **камчиликлар** бўйича индивидуал **танқидий муҳокамалар** ўтказиши ва масъулиятсизликка йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласини ҳал этиб, аниқланган камчиликларни **бартараф этиш чораларини** кўради.

Худудий прокурорлар жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳамда шарт-шароитлари ҳақидаги маълумотларни олганидан сўнг, уларни **бартараф** этишга қаратилган чора-тадбирларнинг **масъул идора** ва **ташкилотлар** томонидан белгиланишини таъминлайди ҳамда ижросини назорат қилади.

Жиноят содир этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт - шароитларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни **ўрғанади**, умумлаштиради, уларнинг **самарадорлигига** баҳо беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашларида ёки идоралараро йиғилишларида **муҳокама** этилишини таъминлайди.

Ушбу ҳаракатлар натижасида жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизими самарали йўлга қўйилади.

Масъул идора ва ташкилотлар ўз вазифаларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаради, жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади ва бартараф этилади.

Шунингдек, амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги баҳоланади ва зарур бўлса, уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Чора-тадбирларнинг мунтазам амалга оширилиши маҳаллаларда **хавфсизлик** даражасини оширади.

Жиноят содир этилишининг олди олинади, аҳоли учун **хавфсиз муҳит** яратилади.

Чора-тадбирлар натижадорлиги мунтазам назорат қилинади.

Жиноятларни олдини олишга масъул шахслар фаолияти **баҳоланади**, уларнинг масъулиятлилиги оширилади.

Бу ҳолат жиноятчиликни камайтириш ва профилактика жараёнларини самарали ташкил қилишда **муҳим** аҳамиятга эга.

Маҳаллаларда содир этилган, олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари умумлаштирилган тарзда таҳлил қилинади.

Маҳаллаларда белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши, ходимлар фаолияти ва кўрилган чоралар баҳоланади.

Самарадорлик таҳлили орқали камчиликлар аниқланади ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланади.

Худудий прокурорлар ва ички ишлар органлари раҳбарлари **ҳар чорак якуни** бўйича кейинги ойнинг **20-санасига қадар** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳокимлар билан биргаликда ўтказиладиган муҳокамаларда:

- маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишга масъул идоралар фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни **кўрсатиб** ўтади ва уларни бартараф этиш бўйича **манзилли**

ва **аниқ** комплекс чора- тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижрога қаратилишини назоратга олади.

Бундан ташқари, маҳаллаларда жиноятчиликни олдини олишда туман ва шаҳар ҳокимлари, прокурорлар ва ички ишлар органлари каби бирдек **масъулдир**.

Ҳокимлар маҳаллаларда жиноятлар ва уларнинг сабабларини таҳлил қилиши, профилактик-огоҳлантирувчи чора-тадбирлар ва жамоат ишларини ташкил этиши лозим.

Жамоатчилик билан ҳамкорлик орқали хавfli ҳудудларда ижтимоий, маданий ва таълимий тадбирлар амалга оширади, бу эса жиноятчилик хавфини камайтиради.

Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш ва жиноят-чиликка қарши **самарали** чора-тадбирларни амалга ошириш учун ҳокимлар, прокурорлар ва ички ишлар органлари ҳамкорликда масъулдир ва уларнинг ҳаракатлари бир-бирини тўлдиради.

Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан қарор талабларидан келиб чиқиб, жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳамда шарт – шароитлари **10 кунгача** бўлган муддатда ўрганилиб, танқидий муҳокамалар ўтказилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган масъулларнинг интизомий жавобгарлик масаласи қатъий ҳал этилган.

Жумладан, жорий йилнинг I-чораги давомида **154 нафар** масъул шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилиб, шундан, **120** нафарига “**ҳайфсан**”, **15** нафарига “**танбех**”, **10** нафарига ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда **жарима**, **5** нафари ишдан **бўшатилган** ва **4** нафари эгаллаб турган лавозимидан **озод** қилинган.

Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан **3 та жиноят** иши қўзғатилган.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, ўтган даврда туман-шаҳар прокурорлари томонидан маҳаллалардаги криминоген вазият юзасидан аҳолига **48 та “профилактик - огоҳлантирувчи мурожаат”** қилинган ва ижтимоий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси томонидан “Маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш, кечиктириб бўлмайдиган манзилли назорат тадбирларини ташкил этиш” мавзусида **услубий қўлланма** тайёрланиб, амалиётда фойдаланиш учун барча туман-шаҳар прокуратура ва ИИБ терговчилари ва суриштирувчиларига юборилди.

Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноятларни объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш ҳамда профилактика қилиш **натijasида** Сурхондарё вилоятида 2026 йилнинг I-чораги давомида маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ўтган йилга нисбатан **19 тага** ёки **14,2 фоизга камайишига** эришилди.

Шунингдек, маҳаллаларнинг **89,8 фоизид**а (**649 та “яшил”**) **ж**иноят қайд этилмади, **9,8 фоизид**а (**71 та “сарик”**) жиноятчилик барқарор сақланиб қолинди.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари маҳалла даражасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни **барвақт** олдини олиш борасида **янги босқични** бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Жиноятни жазолашдан кўра, унинг олдини олиш - энг тўғри ва самарали йўлдир”.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳар бир маҳалла ҳудудида жиноятчиликни барвақт аниқлаш, унинг сабаб ва омилларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда манзилли чоралар кўриш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни.
5. “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 17 апрелдаги қўшма қарори.
7. Мирзиёев Ш.М. нутқлари ва маърузалари тўплами.
8. Жиноятчилик профилактикасига оид илмий-амалий адабиётлар ва услубий қўлланмалар.